

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь-май

- I. Саноат ишлаб чиқариши
- II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- III. Бажарилган қурилиш ишлари
- IV. Чакана савдо товар айланмаси
- V. Ташқи савдо айланмаси
- VI. Кўрсатилган бозор хизматлари
- VII. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-май ойларида республика корхоналари томонидан **505 933,2** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **107,9 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **86,2 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **6,9 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **6,4 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,5 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу — ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **8,6 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **3,7 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **6,3 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **7,7 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши (2025 йилнинг январь-май ойларига нисбатан **1,96**), шунингдек, ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш (**1,76**) сезиларли таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришда (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **91,6 %**) ҳамда металлургия саноати корхоналарида (**98,3 %**) ҳажмларнинг пасайиши кузатилди.



II. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йил январь-май ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **2,7 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-май ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **3,9 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **1,61** фоиз пункт (ф.п.) таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлар нархлари ушбу даврда **1,5 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичга **0,49** ф.п. таъсир қилган, хизматлар эса **2,3 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични **0,60** ф.п. ошишига таъсир кўрсатган.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **142,5 %** ни (Суғурта ва молиявий хизматлар), қуйи чегараси эса **100,4 %** ни (Таълим соҳасидаги хизматлар) ташкил этди.

2026 йилнинг январь-май ойларида йиғма истеъмол нархлари индексининг ўсишига “Озиқ-овқат маҳсулотлари ва алкогольсиз ичимликлар” бўлимидаги нарх ўзгаришлари энг катта ҳисса қўшди — **1,53** ф.п. ёки умумий таъсирнинг **56,7** фоизи. “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар”, “Уй-жой хизматлари, сув, электр энергияси, газ ва бошқа ёқилғи турлари”, “Транспорт”, “Кийимлар ва пойабзаллар” бўлимларида нархларнинг ўсиши умумий кўрсаткичга **0,66** ф.п. қўшимча таъсир кўрсатди. Бошқа бўлимларнинг жами таъсири **0,51** ф.п.ни ташкил этди.



III. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-май ойларида **104 943,7** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **114,5 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **27 399,8** млрд сўми ёки **26,1 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **50 847,5** млрд сўми ёки **48,5 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **26 696,4** млрд сўми ёки **25,4 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



IV. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-май ойларида чакана савдо товар айланмаси **210 243,1** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **20,7 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-май ойларига нисбатан **25,6 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **18,5 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-май ойига нисбатан **18,0 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **68,2 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **13,3 %** улуш билан **27 975,7** млрд сўми ташкил этди.



V. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-май ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **32 765,5** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **1 157,5** млн АҚШ долларига ёки **3,7 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **12 638,1** млн АҚШ долларига етди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **15,5 %** га тушди. Импорт **20 127,4** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **20,8 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **63,7 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **15,1 %**, ҳар хил тайёр маҳсулотлар – **8,4 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **8,3 %** ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **8,0 %** бўлди.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**33,1 %**), саноат товарлари (**15,3 %**), шунингдек, кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**12,3 %**) ташкил этди.



VI. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йилнинг январь-май ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **533 079,2** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,5 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига асосий омил савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг **14,0 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири – **3,8** ф.п.), молиявий хизматларнинг **24,9 %** га (ўсишдаги таъсири **3,7** ф.п.), транспорт хизматларининг **13,3 %** га (ўсишдаги таъсири **2,2** ф.п.), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг **14,1 %** га (ўсишдаги таъсири **2,4** ф.п.), шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **22,2 %** га (ўсишдаги таъсири **1,5** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмига тўғри келди (**141 660,3** млрд сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати – **114,0 %**), шунингдек, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлари (**90 748,6** млрд сўм, ёки **114,1 %**), транспорт хизматлари (**85 320,5** млрд сўм, ёки **113,3 %**) ва молиявий хизматлар (**84 183,6** млрд сўм, ёки **124,9 %**)га тўғри келади.



VII. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 июнь ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **496,1** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **426,2** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони эса Тошкент шаҳри (**111 808** та), Тошкент (**48 873** та), Самарқанд (**43 079** та), Фарғона (**39 158** та), Қашқадарё (**32 189** та), Бухоро (**30 129** та) ва Хоразм (**28 803** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **160 159** та, саноат соҳасида – **62 044** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **38 399** та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **32 739** та ҳамда қурилиш соҳасида – **31 927** тани ташкил этди.

2026 йил январь-май ойларида республикада **37,6** мингта корхона ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **36,9** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 июнь ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **19 921** тани ташкил этди. Уларнинг **4 500** таси қўшма корхоналар ва **15 421** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
тарқатиш бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

